# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2014 йил 25 февраль, № 39 (5969) Сешанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

## 2014 ЙИЛГИ НАВРЎЗ УМУМХАЛҚ БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Халқимиз учун шарқона янги йилнинг бошланиши, энг қадимий, асл миллий, энг ардоқли байрам бўлмиш Наврўз айёмини марказда ва жойларда ҳар томонлама пухта тайёргарлик билан кутиб олиш ва нишонлаш мамлакатимизда эзгу анъанага айланиб қолди.

Бугунги кунда ушбу умуммиллий байрамнинг маънавий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири, инсоннинг табиат билан уйғун бўлиб яшаши, унинг қалбида эзгулик, меҳр-оқибат, бағрикенглик каби олижаноб туйғуларни уйғотиш, жамиятимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустаҳкамлаш, ёш авлодимизни миллий қадрият ва анъаналаримиз руҳида камол топтириш борасидаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

Ана шуларнинг барчасини инобатга олиб ҳамда Наврўз байрамини юксак савияда, муносиб тарзда нишонлаш мақсадида:

1. Байрамга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби 1-иловага, ижодий гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Ташкилий қўмита ва унинг ҳудудий бўлимлари Наврўз байрамини пойтахтимиз Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, барча шаҳар, туман ва қишлоқларда умумхалқ сайиллари шаклида кўтаринки руҳда ўтказишга қаратилган, **“Ҳар кунимиз Наврўз бўлсин!”** деган шиорни асосий ғоя сифатида ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва амалга оширсин.

2. Тадбирлар режасини тайёрлашда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилсин:

Наврўз фаслида инсоннинг табиат билан ҳамоҳанг бўлиб, ўзини табиатнинг ажралмас бир қисми деб ҳис этишини ифода қиладиган, атроф-муҳитни, она-заминни эъзозлаб, унинг неъматларини, бугунги тинч ҳаётни қадрлаб, шукроналик туйғуси билан яшашга даъват этадиган маънавий-маърифий тадбирларни уюштириш;

жойларда бўлиб ўтадиган учрашув ва суҳбатларда, оммавий ахборот воситаларида Наврўз байрамининг тарихи, уни нишонлаш билан боғлиқ урф-одат, анъана ва қадриятларимизнинг моҳияти ва аҳамиятини кенг ёритиш;

мамлакатимизда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимиз учун севимли байрамга айланган Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида мужассам бўлган аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, меҳру саховат, кексаларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, кўмакка муҳтож инсонларга беғараз ёрдам бериш билан боғлиқ тадбирларни амалга ошириш;

янги деҳқончилик мавсумининг бошланиши, яшариш ва янгиланиш, қут-барака, ободлик ва фаровонлик рамзи бўлмиш Наврўз фаслида маҳаллаларда, шаҳар ва қишлоқларимизда ҳашарлар, кенг кўламдаги ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини ташкил этиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган байрам дастурларига фольклор гуруҳлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, оилавий ансамбллар, бахши-шоирлар, шунингдек, профессионал ижрочилар ва истеъдодли эстрада артистларини танлов асосида жалб этиш;

байрам дастурларини тайёрлашда халқ ўйинлари, фольклор санъати намуналарига, эл-юртимизнинг дилидан чуқур жой олган, гўзал инсоний туйғуларни юксак пардаларда тараннум этадиган куй ва қўшиқлар, ўлан ва лапарларга кенг ўрин бериш.

3. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

4. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Жаҳон” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **Ислом КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2014 йил 24 февраль

# СОҒЛОМ ФАРЗАНД КАМОЛИ

мамлакатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган “Соғлом бола йили” Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини ифода этади





**2014 йил — СОҒЛОМ БОЛА ЙИЛИ**



*Фарзанд — оила қувончи, жамият таянчи. Унинг соғлом, илмли ва иродали бўлиб улғайиши нафақат ота-она, балки давлатимиз сиёсатининг эзгу мақсадларидан биридир. Шу боис мамлакатимизда истиқлолнинг илк кунлариданоқ навқирон авлодга юксак эътибор ва беқиёс ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2014 йилнинг “Соғлом бола йили” деб аталиши замирида ҳам жондан азиз фарзандларимизни жисмонан соғлом, интеллектуал салоҳиятли этиб вояга етказишдек улуғ мақсад мужассам. Бинобарин, Президентимизнинг жорий йилнинг 19 февраль куни имзоланган “Соғлом бола йили” Давлат дастури тўғрисида”ги қарори бу борадаги кенг миқёсдаги вазифалар, чора-тадбирлар, белгиланган улкан режаларнинг ҳаётга татбиқ этилишини ўзида қамраб олганлиги билан ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади.*

*Ушбу қарор хусусида турли соҳада хизмат қилаётган юртдошларимиз таҳририятимизга мурожаат этиб, ўз муносабатларини, фикр ва мулоҳазаларини билдиришмоқда.*

**Гулираъно УСМОНОВА,
Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасининг бош шифокори,
“Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби:**

— Мустақиллик шарофати билан юртимизда “Соғлом она — соғлом бола” Миллий дастурининг амалиётга жорий этилиши ўзининг юксак самараларини бермоқда. Хусусан, Президентимизнинг соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ва болаларни ижтимоий-тиббий муҳофаза қилишга қаратилган Фармон ва қарорлари туфайли юртимизнинг деярли барча вилоятларида она ва бола перинатал ҳамда скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда. Қишлоқ жойлардаги ҳомиладор аёллар давлат бюджети маблағлари ҳисобидан соғлом наслни шакллантириш учун зарур поливитаминлар билан таъминланмоқда. Ўзбекистонда икки ёшгача бўлган ҳамма болалар бепул эмланмоқда. Бу, ўз навбатида, дифтерия, қоқшол, полиомиелит каби касалликларга бутунлай барҳам бериш имкониятини яратди.

**(Давоми 2-бетда).**

# Аҳоли фаровонлигининг муҳим омили

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатида парламент юқори палатаси Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш кўламини кенгайтиришга доир қонун ҳужжатларининг Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси ва “Қишлоқ қурилиш банк” ОАТБ томонидан ижро этилишини Сирдарё ва Тошкент вилоятларида ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.*

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

Мажлисда сенаторлар, манфаатдор вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари, айрим туманлар ҳокимлари ҳамда халқ депутатлари Сирдарё ва Тошкент вилояти Кенгашлари доимий комиссиялари раислари, туман ҳокимларининг саноат, транспорт, коммунал хўжалиги, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш масалалари бўйича ўринбосарлари, шунингдек, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари қатнашди.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда қишлоқ қиёфасини тубдан янгилаш, қишлоқ аҳолисининг турмуш даражаси сифатини ошириш мақсадида давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ишлаб чиқилган қишлоқда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги замонавий уй-жойларни кенг кўламда қуриш бўйича махсус давлат дастури амалга оширилаётир. Бундай уй-жойлар табиий ва иқлим хусусиятларини, миллий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда барпо этилмоқда, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма жадал ривожланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2009 — 2013 йилларда қабул қилинган, “Қишлоқ жойларда уй-жой қурилишини ривожлантириш” лойиҳасини амалга оширишга қаратилган қарорлар бажарилиши қишлоқларда уй-жой қурилишида муҳим роль ўйнади.

Бу борада 2013 йил апрель ойида Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан ўтказилган “Замонавий уй-жой қурилиши — қишлоқ жойларини комплекс ривожлантириш ва қиёфасини ўзгартириш ҳамда аҳоли ҳаётининг сифатини яхшилаш омили” мавзуидаги халқаро конференция муҳим воқеа бўлди. Анжуманда 60 дан ортиқ хорижий мамлакатдан келган 300 нафардан кўпроқ олим, мутахассис ва экспертлар қатнашди.

**(Давоми 2-бетда).**

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

# БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИДАН МАҚСАДЛИ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар, вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2013 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботи кўриб чиқилди.*

Таъкидланганидек, Ҳисоб палатасининг ўтган йилдаги фаолияти Президентимиз томонидан белгилаб берилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари, шунингдек, иқтисодиётни барқарор тараққий топтириш, унинг рақобатбардошлигини кучайтириш, бунинг учун таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасидаги сиёсатни амалга ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда молиявий ресурслардан тежамли, самарали ва мақсадли фойдаланиш каби вазифалар ижросига қаратилди.

Ҳисобот даврида бюджет тизимига оид қонунчилик ҳужжатлари бажарилишини таъминлаш диққат-эътиборда бўлди. Шу мақсадда Ҳисоб палатаси томонидан давлат бюджетининг 2012 йилги ижроси тўғрисидаги ҳисобот ташқи аудит ва баҳолашдан ўтказилди, давлат бюджетининг 2014 йилги лойиҳаси ҳамда солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари экспертизаси амалга оширилди.

Бунда асосий эътибор давлат бюджети даромадларининг истиқбол кўрсаткичлари ҳаққонийлиги, фискаль сиёсатда солиқлар ва мажбурий тўловларнинг иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда аҳоли даромадларини кўпайтиришга таъсир этувчи восита сифатида тутган ўрнига қаратилди. Шулар қаторида иқтисодиётнинг реал сектори, айниқса, ҳудудлар ва тармоқлар бўйича давлат бюджети даромад қисмининг тўғри шаклланиши, ижронинг тўлиқ бажарилиши таҳлил этилиб, тегишли асосий параметрлар реаллиги ва тиғизлигига баҳо берилди.

**(Давоми 2-бетда).**

# Эътибор ва имтиёз

тадбиркорликни ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда

*Сўнгги йилларда мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунлар, давлатимиз раҳбарининг Фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари иқтисодиётимизнинг мустаҳкам таянчи бўлган хусусий сектор тараққиётини янги босқичга олиб чиқишда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.*

ТАДБИР

Уларнинг самарали ижроси эса, биринчи галда, тарғибот ишларининг изчиллигига боғлиқ. Чунки бундай тадбирлар турли масалаларни ўз вақтида ҳал қилишнинг ўзига хос қулай майдонидир. Давлат солиқ қўмитаси раҳбарларининг Қорақалпоғистон Республикасидаги тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан ўтказган учрашувида ана шундай руҳ яққол сезилиб турди.

Республикада фаолият юритаётган 400 дан ортиқ тадбиркорларнинг мулоқотда фаол қатнашгани бунинг яққол тасдиғидир. Тадбирда мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг аҳамияти ҳақида сўз юритилди. Шу билан бирга, 2014 йилдан бошлаб солиқ қонунчилигига киритилган янгиликлар, солиқ ставкаларидаги ўзгаришлар, қўлланилаётган имтиёзлар, жумладан, ҳунармандлар ва оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчилар учун белгиланган енгилликларнинг мазмун-моҳияти иштирокчиларга батафсил тушунтирилди.

**(Давоми 2-бетда).**

# БЮДЖЕТ МАБЛАҒЛАРИДАН МАҚСАДЛИ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўтган даврда Ҳисоб палатаси томонидан бир қатор вазирлик ва идораларда давлат бюджети маблағларидан қонуний, мақсадли ҳамда самарали фойдаланилиши устидан белгиланган тартибда назорат тадбирлари ўтказилди. Наманган, Сурхондарё ва Жиззах вилоятлари маҳаллий бюджетларининг 2012 йилги ижроси ва маблағларнинг сарфланиши, бюджет харажатларини оптималлаштириш захираларини аниқлаш ва улардан самарали фойдаланиш юзасидан текширишлар амалга оширилди.

Тадбирда Ҳисоб палатаси аниқлаган бюджет интизомини бузиш ҳолатлари ва молиявий қонунбузарликларни бартараф этиш юзасидан тегишли вазирлик, идоралар ҳамда ҳокимликлар томонидан кўрилган чора-тадбирлар атрофлича чуқур таҳлил қилиниб, бу каби муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларига эътибор қаратилди.

Бинобарин, Ҳисоб палатаси томонидан амалга оширилган ишлар натижасида 2013 йилда 79 млрд. сўмлик давлат ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатларига етказилган зарар ундирилишига эришилди. Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган вилоят халқ депутатлари Кенгашининг навбатдаги сессиясида эса ҳудуд маҳаллий бюджетининг 2012 йил ва 2013 йил 9 ойлик давридаги ижроси юзасидан Ҳисоб палатаси томонидан ўтказилган текшириш натижалари батафсил кўриб чиқилди. Бу каби муҳокамаларни бошқа вилоятларда ҳам ўтказиш режалаштирилган.

Йиғилишда 2014 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурда белгиланган устувор вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, барча йўналишларда самарадорликни таъминлаш, молиявий интизомга қатъий риоя қилиш, шунингдек, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш соҳаларида Ҳисоб палатасининг назорат тадбирларини янада кучайтириш бўйича таклиф ва тавсиялар берилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

# Аҳоли фаровонлигининг муҳим омили

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Улар қишлоқлардаги янги уй-жой массивлари билан танишиб, тараққиётнинг “ўзбек модели” асосида қишлоқларда уй-жой қурилиши бўйича ҳаётга татбиқ этилаётган кенг кўламли, ижтимоий йўналтирилган дастурларни юксак баҳоладилар.

Қишлоқ жойларда якка тартибда уй-жойлар қуриш бўйича барча ишларни амалга ошириш учун мамлакатимизда яхлит институционал тузилма яратилган. Бу эса уй-жой массивларини сифатли барпо этиш соҳасидаги ягона сиёсатнинг рўёбга чиқарилишини таъминламоқда. Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш бўйича махсус дастурлар муваффақиятли бажарилганлиги натижасида 2009 йилдан бошлаб мамлакатимизнинг 159 та қишлоқ туманида намунавий лойиҳалар асосида 1249 та янги массив барпо қилинди, умумий майдони 4,6 миллион квадрат метр бўлган 33,5 мингдан зиёд якка тартибдаги уй-жой фойдаланишга топширилди.

Йиғилишда алоҳида қайд этилганидек, Сирдарё вилоятида 2011 — 2013 йиллар мобайнида 700 та якка тартибдаги уй-жой қурилиши тугалланиб, эгаларига топширилди. Намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойларни қуриш учун вилоят тижорат банклари томонидан 2011 — 2013 йилларда фуқароларга 64,3 млрд. сўм миқдорида имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди. Шу давр мобайнида янги уй-жой массивлари ҳудудига 31 км. табиий газ қувурлари, 54,6 км. ичимлик суви қувурлари, 27,1 км. электр узатиш линиялари ўтказилди, 46 та бозор инфратузилмаси объекти қурилиб, уларнинг аксарияти ишга туширилди. 2014 йилда вилоятнинг саккизта қишлоқ массивида 506 та намунавий уй қурилиши мўлжалланган ва бу мақсадлар учун 42,3 гектар ер майдони ажратиш тўғрисида вилоят ҳокимининг қарори қабул қилинган.

Тошкент вилоятида 2011 — 2013 йиллар мобайнида 1136 та якка тартибдаги уй-жой ўз эгаларига топширилди. Тижорат банклари томонидан 2011 — 2013 йилларда намунавий лойиҳалар асосида якка тартибдаги уй-жойларни қуриш учун фуқароларга 150,6 млрд. сўм миқдорида имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди. Шу даврда янги уй-жой массивлари ҳудудига 102,1 км. табиий газ қувурлари, 87,7 км. ичимлик суви қувурлари, 92,6 км. электр узатиш линиялари ўтказилди, шунингдек 101 бозор инфратузилмаси объекти қурилиб, уларнинг кўпчилиги ишга туширилди. Тошкент вилоятида 2014 йилда қишлоқ жойларда 1050 та намунавий уй-жой қурилиши режалаштирилган. Ҳозирги кунда 974 та юридик шахсдан ва намунавий уйларнинг бўлажак эгалари бўлмиш жисмоний шахслардан нақд пулда 39,5 млрд. сўм миқдорида бошланғич бадаллар тўпланган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси, “Қишлоқ қурилиш инвест” инжиниринг компанияси ҳамда унинг вилоятлардаги филиаллари, “Қишлоқ қурилиш банк” ОАТБ томонидан қишлоқ жойларда уй-жойлар қуриш кўламини кенгайтиришга доир қонун ҳужжатлари Сирдарё ва Тошкент вилоятларида ижро этилишини таъминлашда қатор камчиликларга йўл қўйилгани таъкидланди. Хусусан, масалани ўрганиш давомида мазкур вилоятларнинг айрим туманларида янги уй-жой массивлари қурилиши учун ер майдонлари ўз вақтида ажратилмаган ҳамда тайёрланмаган, тендер комиссиялар мажлисларини ўтказишда ва пудратчи ташкилотларни белгилашда қоидаларни бузиш, қишлоқ жойларда уй-жой қуриш жараёнида қонун ҳужжатлари нормалари ҳамда қоидаларига риоя этилишини етарлича назорат қилмаслик ва бошқа ҳолатлар аниқланди. Сенаторлар қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида уй-жойлар қуриш дастури ижро этилиши устидан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва улар доимий комиссияларининг назоратини кучайтириш зарурлигини таъкидлашди.

Муҳокама якунлари бўйича Қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Матбуот хизмати.**

# СОҒЛОМ ФАРЗАНД КАМОЛИ

## мамлакатимиз раҳбари томонидан қабул қилинган “Соғлом бола йили” Давлат дастурининг мазмун-моҳиятини ифода этади

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

14 ёшгача бўлган болаларнинг деярли 100 фоизи йилига икки марта, туғиш ёшидаги аёллар эса ҳар йили чуқур тиббий кўрикдан ўтказилмоқда. Бу каби эзгу саъй-ҳаракатлар янада кенг миқёс касб этиб, изчил давом этиши “Соғлом бола йили” Давлат дастурида алоҳида қайд этилганлиги қувонарлидир. Хусусан, ушбу ҳужжатда 2014 йилда соғлом фарзандлар туғилиши ва уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш учун шарт-шароитларни янада яхшилаш мақсадида кўп тармоқли болалар марказини қуриш ва уни юқори технологик тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш кўзда тутилган. Шунингдек, республика ихтисослаштирилган педиатрия илмий-амалий марказининг қатор бўлинмалари, ТошПТИ клиникалари, 13 та вилоят кўп тармоқли болалар тиббий маркази, 62 та туман тиббиёт бирлашмаси ва бошқа тиббий ва тиббий-ижтимоий муассасалар қурилиши ҳамда тубдан таъмирланиши режалаштирилган. Бу эса келгусида дилбандларимизга жаҳон андозалари даражасида тиббий ёрдам кўрсатиш имконини беради. Умуман, дастурда белгиланган вазифалар шу қадар кенг қамровлики, уларнинг ортида Президентимизнинг шу муқаддас Ватанда ўсиб-улғаяётган фарзандларга бўлган чексиз эъзоз ва ғамхўрлиги яққол ифодаланган. Бу билан, аввало, эл-юрт саломатлигини асраб-авайлаш, оилаларнинг маънавий бутунлиги, шу билан бирга, аҳоли фаровонлигини таъминлашга устувор аҳамият берилган.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда ҳар бир фарзанд меҳр ва эътибор оғушида эканлигини, уларнинг эзгу орзулари ушалиши учун мустаҳкам пойдевор қўйилганлигини англатади.

**Осиёхон КАРИМОВА, Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси:**

— Давлат тараққиётида малакали кадр, юксак заковатли мутахассисларнинг ўрни беқиёс. Шу боис мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни муносиб тарбиялаш устувор вазифалардан бири этиб белгиланди. Бу эса, ўз ўрнида, таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Айни пайтда “Соғлом бола йили” Давлат дастурида ҳам таълим тизимини янада такомиллаштириш назарда тутилгани барчамизга ўзгача хушнудлик бағишлайди.

Масалан, унда бошланғич синфларда ўқитиш сифатини янада яхшилаш мақсадида 1 — 4 синф ўқувчилари учун ўқув дастурлари ва дарсликларнинг қайта кўриб чиқилиши, шунингдек, ўқитувчилар учун тегишли услубий қўлланмалар ишлаб чиқилиши назарда тутилганлиги, 2014/2015 ўқув йилида 2,6 миллион ўқувчи 575 номдаги 25 миллион нусха дарслик ва ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминланиши, “Миллий умумтаълим электрон кутубхона” лойиҳасининг амалга оширилиши белгиланганини, ишончим комилки, пировардида болаларимизнинг интеллектуал ривожланишига янада кучли туртки беради.

Кўп йиллик тажрибага эга ўқитувчи сифатида яхши биламанки, ҳеч қачон бошланғич синф ўқувчиларини қўллаб-қувватлашга бугунгидек эътибор қаратилмаган. Бундай ғамхўрлик Давлат дастурида ҳам ўз ифодасини топганлиги, жумладан, жорий йилда 500 мингдан ортиқ 2-синф ўқувчиларига чет тиллар бўйича мультимедиали иловали дарсликлар бепул берилиши катта олижаноблик, ғамхўрлик ва эъзоз, десам, айни ҳақиқат.

Ушбу Дастур айни пайтда жамиятда ўқитувчилик касбининг нуфузига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Зеро, ёш авлоднинг истиқлол ғоялари асосида тарбияланиб, улуғ аждодларимизга муносиб тарзда вояга етишлари, энг аввало, ўқитувчи бераётган сабоқ, унинг изланиш ва интилишига ҳам бевосита боғлиқ. Жонкуяр, билимдон, юксак ақл-заковатли мутахассислар эса соҳа ривожига улкан ҳисса қўшишлари турган гап. Шунга кўра, энди ўқитувчилар ўз қобилиятларини тўла ишга солиб, касбий маҳоратларини янада такомиллаштирадилар. Бунинг учун барча имкониятлар бор, шароитлар етарли.

**Ботир ТОШЕВ, Қизилтепа туманидаги “Қурилиш таъминотчи” МЧЖ раҳбари:**

— Мамлакатимиз аҳолисининг салмоқли қисми истиқомат қилаётган қишлоқ жойларни янада обод қилиш, одамларнинг турмуш даражасини юксалтириш ва ҳаёт тарзини тубдан яхшилашга қаратилган ислоҳотлар бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу ҳақда гапирганда, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар қурилаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Қишлоқ аҳолисини замонавий уй-жойлар билан таъминлаш, уларнинг турмуш даражаси ва сифатини юксалтириш борасидаги ишларни янги босқичга кўтариш масаласи “Соғлом бола йили” Давлат дастурида ҳам қамраб олинган. Унга кўра, 2014 йил давомида намунавий лойиҳалар асосида 11 мингта якка тартибдаги уй қурилиши белгиланган.

Корхонамиз жамоаси ҳам турар-жойлар қурилишида фаол қатнашиб, халқимиз қувончига қувонч қўшмоқда. Зеро, республикамизда қурилиш материаллари индустрияси йил сайин ривожланиб, ҳар йили кўплаб янги заводлар ишга туширилаяпти.

Ўзимиздан қиёс. Корхонамизда бунёдкорлик ишларини бажариш билан бирга, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳам ўзлаштирилган. Замонавий эшик-ромлар, темир-бетон маҳсулотлари шулар жумласидан. Бу маҳсулотларни Навоийдан ташқари, Бухоро, Хоразм ва Қашқадарё вилоятларига ҳам етказиб бераяпмиз.

Ўтган йили Қизилтепа туманида намунавий лойиҳа асосида 30 та ҳовли-жойни сифатли қуриб, эгаларига топширган бўлсак, айни пайтда яна шунча тураржойни барпо этиш ишларига киришдик.

Бугун қўйилаётган ҳар бир ғишт, барча бунёдкорликлар, халқимиз, фарзандларимиз келажаги, уларнинг фаровон ҳаётини таъминлаш учун. Бу эзгу ишларга ҳар бир фуқаро, ҳар бир қурилиш ташкилоти масъулият билан ёндашиб, ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши лозим. Ана шунда қишлоқларимизда қад ростлаётган замонавий, шинам уй-жойлар бунёдкор халқимизга фахр-ифтихор бағишлаши билан бирга, ўғил-қизларимизга, авлодларимизга узоқ йиллар хизмат қилади.

**«Халқ сўзи» мухбирлари М. ЖОНИХОНОВ, С. РАҲМОНОВ ёзиб олди.**



# Тасвирий тарғибот

*Бухорода “Соғлом бола — ёруғ келажагимиз” мавзуида республика кўргазмали семинари бўлиб ўтди. Республика “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси, Маънавият тарғибот маркази ва вилоят Маънавият ва маърифат кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, хусусан, шаҳар ва қишлоқларимизда рўй бераётган ўзгариш ва янгиланишларни ёшлар онгига сингдиришда кўргазмали тарғибот воситалари муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидланди.*

## СЕМИНАР

Дарҳақиқат, бугун юртимизда жисмонан соғлом, маънан етук авлодни вояга етказишга қаратилган беқиёс эзгу саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Замонавий мактаблар, коллежлар, лицейларда яратилган шарт-шароитлар, илғор педагогик технологиялар асосида янгиланган таълим тизими, спорт иншоотлари, футбол майдонлари, айтиш жоизки, буларнинг бари эртанги кунимиз эгаларига берилаётган эътибор, ғамхўрлик ва юксак рағбатнинг амалий ифодасидир.

Чунончи, Президентимиз томонидан 2014 йилнинг “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши бу борадаги ишлар янада юқори босқичга кўтарилишидан дарак бериб турибди. Тадбирда сўзга чиққанлар ана шулар ҳақида атрофлича фикр юритиб, соғлом авлодни вояга етказишда тарбиянинг турли йўлларидан кенг фойдаланиш хусусида тўхталдилар. Бу борада, хусусан, кўргазмали тарғибот воситаларининг алоҳида ўрни борлиги қайд этилди. Бинобарин, мамлакатимиз шаҳар ва қишлоқларида, аҳоли гавжум жойларда турли тарғибот воситаларининг ўрнатилгани ва уларда халқимизнинг бунёдкорлик ғоялари, ўз фаолияти билан ёшларга ибрат бўлаётган замондошларимиз сиймолари шарқона услубларда кўрсатиб берилгани кишини қувонтиради.

Семинарда “Соғлом бола йили” Давлат дастурида кўзда тутилган мақсад ва вазифаларни амалга оширишда соҳа ходимлари олдида турган долзарб юмушлар ҳақида ҳам атрофлича сўз юритилди. Шунингдек, “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси томонидан тайёрланган “Соғлом бола — ёруғ келажагимиз” деб номланган тавсиялар қўлланмаси тақдимоти ҳам ўтказилди. Унда Президентимизнинг асарлари ва маърузаларидан олинган қайдлар, донишмандларнинг ибратли иборалари, халқ мақоллари, она-Ватанни улуғловчи, маънавий қадриятларимизни эъзозлашга, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказишга ундовчи пурмаъно ҳикматлар жамланган.

— Соғлом бола йили ҳар биримиздан астойдил ҳаракат қилишни, ташаббус кўрсатишни талаб этади, — дейди “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси Бухоро вилояти бўлими бош дизайнери Зоҳид Қобилов. — Негаки, биз мазкур йил мақсад-моҳиятини теран очиб берувчи реклама материаллари, баннерлар, плакатлар ҳамда бошқа тасвирий тарғибот воситаларини чиройли ва таъсирчан тарзда тайёрлашимиз керак. Шу боис кўргазмали семинарда билим ва тасаввурларимизни бойитиб олдик, ҳамкасбларимиз билан фикрлашдик, тажриба алмашдик, янада фаол ишлашимиз зарурлигини англаб етдик.

Тадбирда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи М. Эсанов иштирок этди.

**Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# Эътибор ва имтиёз

## тадбиркорликни ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга бўлмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Учрашувда тадбиркорлик субъектлари раҳбарлари ва ҳисобчиларининг солиқ ҳисоботларини электрон тартибда тақдим этиш тизими билан боғлиқ билим ва кўникмаларини ошириш, бу йўналишда уларга ахборот-маслаҳат хизматларини кўрсатиш борасида давлат солиқ органлари томонидан маҳаллий ҳокимликлар билан биргаликда амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида маълумотлар етказилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси давлат солиқ органлари шахсий таркиби билан ўтказилган хизмат йиғилишида асосий фаолият йўналишлари бўйича амалга оширилган ишлар натижалари, йўл қўйилган камчиликлар таҳлил қилиниб, келгусида бажарилиши лозим бўлган вазифалар белгилаб олинди.

Хусусан, солиқларнинг йиғилувчанлик даражасини ошириш, қарздорликларни қисқартириш, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасига барҳам бериш, бозорлар ва савдо мажмуалари фаолиятини тартибга солиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз ва ноқонуний аралашишга чек қўйиш каби долзарб масалалар танқидий кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган масалалар юзасидан фаолиятида жиддий камчиликларга йўл қўйган раҳбар ходимларнинг 3 нафари эгаллаб турган лавозимидан озод этилди, 15 нафарига эса нисбатан тегишли интизомий жазо чоралари қўлланилди.

**Давлат солиқ қўмитаси Ахборот хизмати.**

# Ишончимиз, фахримиз, ғуруримиз

*Айни кунларда юртимиздаги жуда кўп хонадонларда ўзига хос хурсандчилик ҳукмрон. Гап шундаки, бундан бир йил муқаддам катта орзу-умидлар, эзгу тилаклар билан фарзандларини муддатли ҳарбий хизматга кузатган ота-оналар бугун кўксилари тоғдек юксалиб, уларни яна шоду хуррамликда қарши олмоқда.*

## АСКАР УЙИГА ҚАЙТДИ

Халқимиз мана шундай қувончли дамларни маҳалла-кўй, дўсту биродарлар билан биргаликда, файзли дастурхон атрофида нишонлашни одат қилган. Шу боис ҳам бундай кунларда армиядан қайтган йигитлар уйидан меҳмон аримайди.

Муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтаётган ўғлонларни тантанали кутиб олиш маросимлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қизғин давом этаяпти. Жумладан, ана шундай тадбирлардан бири Тошкент темир йўл вокзалида бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳамда ота-оналар қатнашди.

Маросимда Президентимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида мамлакатимиз Қуролли Кучларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳамда уларнинг самаралари ҳақида сўз юритилди. Аҳоли, айниқса, ёшларимиз ўртасида ҳарбий хизматнинг обрў-эътибори юксак даражага кўтарилгани таъкидланди.

— Аскар бўлиш йигитнинг умр йўлидаги энг муҳим босқич ҳисобланади, — дейди Юнусобод туманидан муддатли ҳарбий хизматга чақирилиб, бурчини ўтаб қайтган Иззатилла Шермуҳаммедов. — Бунга мен ҳаётимда гувоҳ бўлдим. Ўтган бир йил давомида фикрларим, дунёқарашим анча кенгайди. Тартиб-интизомга қатъий риоя этишга, вақтни қадрлашга ўргандим. Ҳарбий тайёргарлик машғулотларидан сўнг, имкон қадар китоб мутолаа қилиб, билимимни мустаҳкамлашга интилдим. Мақсадим — Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик-муҳандислик билим юртига кириб ўқиш, келгусида юртимиз тинчлиги ва осойишталиги йўлида астойдил хизмат қилиш.



— Ҳаётимдаги энг катта орзуларимдан бири ушалди, — дейди йигитлик бурчини муваффақиятли ўтаб, резервга бўшатилганлардан яна бири, Яккасарой туманилик Муҳитдин Абдукаримов. — Аскар деган шарафли номга муяссар бўлдим. Муддатли ҳарбий хизмат даврида жуда кўп нарса ўргандим. Нафақат жисмоний, балки маънавий дунёқарашим ҳам ўсди. Ниятим — олий ўқув юртига кириб, тегишли мутахассисликка эга бўлиш. Муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаганим учун ҳарбий қисм қўмондонлиги томонидан бериладиган тавсияномани олдим. Эндиликда тест синовларида белгиланган имтиёздан фойдаланишим мумкин.

Дарҳақиқат, миллий армиямизда ўз бурчини ўтаб қайтган фуқароларнинг кейинги фаолияти ҳам давлатимизнинг доимий эътиборида бўлиб келмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2012 йил 31 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”-ги қарорига мувофиқ, ҳарбий қисмлар қўмондонлигининг тегишли тавсияномасини олган фуқароларга республика олий ўқув юртларига ўқишга киришда тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг кўп баллнинг 27 фоизи миқдорида қўшимча балл бериш жорий этилган.

Кутиб олиш маросими якунида тадбир иштирокчилари муддатли ҳарбий хизматдан қайтганларнинг барчасига келгуси ишларида омад ёр бўлишини тилашди.

**Шавкат ОРТИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

Баҳром АБДУРАҲИМОВ олган сурат.

ЖАҲОН 24 СОАТ ИЧИДА

*Буюк Британиянинг “Royal Bank of Scotland” банки мавжуд иш ўринлари сонини 30 мингтадан кўпроққа камайтиришни режалаштирмоқда.*

## Кредиторлар қарори

“The Daily Telegraph” нашрининг ёзишича, ушбу қарор кредиторлар томонидан қабул қилинган. Улар мазкур йўл орқали банкни яна рентабелликка қайтариб, капиталини оширишни режалаштиришаяпти.

Бундан ташқари, “Royal Bank of Scotland” келгусида бир қатор операцияларни ҳам қисқартиради. Масалан, молия муассасаси қалтис амалиётларни бажармайди ва бефойда халқаро активлардан воз кечади.

## Зарар билан якунлади

*Франциянинг “PSA Peugeot Citroen” автомобилсозлик компанияси 2013 йилда 2,32 миллиард евро миқдорида зарар кўрди.*




Шу тариқа компания фаолиятида кетма-кет иккинчи бор рентабеллик кузатилмади. Чунки у 2012 йилни бундан-да кўпроқ — беш миллиард евро миқдоридаги зарар билан якунлаган эди.

Мутасаддилар “PSA Peugeot Citroen” 2016 йилга бориб яна фойда ола бошлашига умид қилишмоқда. Чунки яқинда бўлиб ўтган директорлар кенгаши йиғилишида компаниянинг келгуси фаолияти учун режа қабул қилиниб, ишлаб чиқаришни ривожлантиришга уч миллиард евро миқдорида сармоя йўналтиришга келишиб олинди. Бунинг эвазига у Осиёда бир қатор истиқболли лойиҳаларни амалга оширади.

## Изидан чиқиб кетди

*Канадада юк поезди изидан чиқиб кетди.*

*Бу хабар мамлакат темир йўл компанияси — “Canadian National Railway” томонидан ҳам тасдиқланган. Жабрланганлар ва қурбонлар йўқ.*

Воқеа оқибатида локомотивлардан бирининг баки зарарланган ва натижада икки тонна дизель ёнилғиси ерга тўкилган.

Поезднинг нима сабабдан ҳалокатга учрагани ҳозирча номаълум.

## Кескин пасайиш

*Якунланган йилда Италиянинг “Gucci” модалар уйи кўрган соф фойда миқдори 50 миллион еврони ташкил қилган.*

Бу сўнгги йилларда унинг фаолиятида кузатилган энг ёмон кўрсаткичдир. Айтайлик, “Gucci” 2012 йилни бир миллиард евро миқдоридаги соф фойда билан якунлаган эди.

Модалар уйи фаолиятидаги бундай салбий ҳолат ўтган йили Европага пулдор сайёҳларнинг келиши камайгани билан изоҳланмоқда.

## Энг йирик битим

*“Facebook” ижтимоий тармоғи “WhatsApp” хабарлар хизматини сотиб олди.*



Ушбу келишув харидор учун 19 миллиард АҚШ долларига тушди. Ўз навбатида, бу нафақат “Facebook”, балки ахборот технологиялари соҳаси тарихида ҳам йирик битим бўлди.

“WhatsApp” ҳозир энг кўп фойдаланувчига эга хабарлар хизмати ҳисобланади. Ундан 450 миллион нафар одам фойдаланади ва кунига 50 миллиард атрофида хабар алмашиниб туради.

Эътиборли жиҳати, “WhatsApp” ўз савдо белгисини сақлаб қолади. Унинг асосчиси Ян Кум эса “Facebook” директорлар кенгашига қабул қилинади. Ўтган йили “Facebook” худди шу тартибда “Instagram” суратлар иловаси дастурини ўз “оила”сига қўшиб олган эди.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**


● Реклама ва эълонлар ●

**ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИҲАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИҲА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ**

**кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғояларини танлов асосида қабул қилади.**

Фонд томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг лойиҳа ғоялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини (ТИА, бизнес-режа) ишлаб чиқиш танлов асосида амалга оширилади.

**Танлов қуйидаги йўналишларда олиб борилади:** янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгилаш.

Танловга инвестициявий жозибадорликка ва саноат соҳасида татбиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий хом ашё ҳамда материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ғоялар қабул қилинади.

Фонд энг истиқболли ва жозибадор лойиҳаларни республика тижорат банклари кредит маблағлари ҳисобига молиялаштиришни ташкил этишга кўмаклашади.

Танловда лойиҳа ғояларини ҳамда улар бўйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:**

- ариза (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи (намуна бўйича);
- инвестиция таклифи паспорти (намуна бўйича).

**Ҳужжатлар электрон шаклда ҳам қабул қилинади.**

**Батафсил маълумот учун тел.: (+99871) 238-69-07, (+99871) 238-69-08.**
**Web-site: www.ffpd.uz; E-mail: pdf.fund@gmail.com**
**Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Қоратош кўчаси, 1-уй, Ўзбекистон банклари ассоциацияси биноси, 15-қават.**
**Мўлжал: «Истиқлол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.**

188A/93



**2014 йил 27 март** — **ЭЪЛОН!** — **соат 10.00 да**

ВШ-701 «Тошкент — Бухоро», Тошкент томонидан
ВШ-702 «Тошкент — Самарқанд», Тошкент томонидан
ВШ-709 «Тошкент — Янгиер», икки томондан
ВШ-725 «Андижон — Қўқон», Андижон томонидан
ВШ-731 «Денов — Шаҳрисабз», икки томондан
ВШ-770 «Ғиждувон — Самарқанд», Самарқанд томонидан
ВШ-772 «Тошкент — Қарши», Қарши томонидан
ВШ-776 «Қарши — Термиз», икки томондан
ВШ-790 «Навоий — Самарқанд», Навоий томонидан
ВШ-809 «Навоий — Зиёвуддин», Навоий томонидан
ВШ-818 «Тошкент — Шаҳрисабз», икки томондан
ВШ-829 «Ўсмат — Булунғур», икки томондан
ВШ-852 «Маржонбулоқ — Тошкент», Тошкент томонидан
ВШ-915 «Жўш — Арнасой 23 ш/х», Арнасой 23 ш/х томонидан
ВШ-943 «Тошкент — Нуробод», икки томондан
ВШ-945 «Урганч — Шаҳрисабз», Урганч томонидан
ВШ-1022 «Тошкент — Денов», Тошкент томонидан
ВШ-1030 «Ғиждувон — Қизилтепа», икки томондан
ВШ-1040 «Денов — Урганч», Урганч томонидан
ВШ-1048 «Ҳазорасп— Нукус», икки томондан
ВШ-1081 «Тошкент — Қўнғирот», Тошкент томонидан
ВШ-1082 «Тошкент — Жарқўрғон», икки томондан
ВШ-1088 «Тошкент — Беруний», Тошкент томонидан
ВШ-1089 «Тошкент — Қамаши», икки томондан
ВШ-1097 «Тошкент — Шофиркон», икки томондан
ВШ-1121 «Дўстлик — Урганч», икки томондан
ВШ-1134 «Боёвут — Жўйлангар», икки томондан
ВШ-1139 «Урганч — Қўнғирот», икки томондан
ВШ-1144 «Навоий — Бургутча», Бургутча томонидан
ВШ-1147 «Зиёвуддин — Ғиждувон», Ғиждувон томонидан
ВШ-1148 «Зарафшон — Каттақўрғон», икки томондан
ВШ-772Т «Тошкент — Қарши», Қарши томонидан
ВШ-956Т «Тошкент — Урганч», Тошкент томонидан
ВШ-1061Т «Тошкент — Манғит», икки томондан
ВШ-702-ЙТ «Тошкент — Самарқанд», икки томондан
ВШ-709-ЙТ «Тошкент — Янгиер», Тошкент томонидан
ВШ-725-ЙТ «Андижон — Қўқон», Андижон томонидан
ВШ-770-ЙТ «Ғиждувон — Самарқанд», Самарқанд томонидан
ВШ-863-ЙТ «Гагарин — Самарқанд», икки томондан
ВШ-870-ЙТ «Навоий — Каттақўрғон», икки томондан
ВШ-968-ЙТ «Гулистон — Жиззах», икки томондан
ВШ-1006-ЙТ «Пахтакор — Накрут», икки томондан
ВШ-1099-ЙТ «Қарши — Ургут», Ургут томонидан
ВШ-1103-ЙТ «Арнасой — Тоз қишлоғи», икки томондан
ВШ-1118-ЙТ «Саримой қиш — Тўрткўл», Тўрткўл томонидан
ВШ-1124-ЙТ «Пахтакор — Челак», икки томондан
ВШ-1125-ЙТ «Пахтакор — Қўшработ», икки томондан
ВШ-1149-ЙТ «Деҳқонобод — Навоий», икки томондан

**шаҳарлараро, вилоятлараро автобус ва йўналишли такси йўналишларида ишлаш ҳуқуқини олиш учун очиқ тендер ўтказилади.**

Очиқ тендерда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатдан ўтказилган, давлат солиқ хизмати органларида ҳисобда турадиган автомобиль транспортида тегишли равишда шаҳар атрофида, шаҳарлараро, халқаро йўловчилар ташишни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга ҳамда тендер таклифларида тавсия этилаётган ҳар бир автотранспорт воситаси учун лицензия карточкаларига эга бўлган ҳар қандай юридик шахс қатнашиши мумкин. Ҳар бир транспорт воситасини битталаб кўрикдан ўтказиш бўйича белгиланган намунадаги, йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳудудий бошқармаси муҳри билан тасдиқланган, ижобий хулосали далолатноманинг мавжуд бўлиши қатнашчи учун мажбурий шарт ҳисобланади. Тендер қатнашчиси айнан битта автотранспорт воситасини ҳар хил йўналишларга тавсия этишга ҳақли эмас.

Тугатиш ёки банкротлик босқичида турган ёхуд мулклари хатланган талабгорларнинг тендерда қатнашишига йўл қўйилмайди.

**Тендер ташкилотчиси** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 29 июлдаги 368-сонли қарори билан тузилган Шаҳарлараро-вилоятлараро ва халқаро йўналишларни жойлаштириш учун очиқ тендерлар ўтказишни ташкил этиш масалалари бўйича идоралараро комиссия.

**Комиссия манзили:** Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 3-уй.

Очиқ тендерда иштирок этишни хоҳловчилар Идоралараро комиссияга тендер ҳужжатлари пакетини олиш учун Тошкент шаҳридаги АТИБ «Ипотека-банк»нинг Чилонзор филиалидаги 20210000900745005054 махсус ҳ/р (банк коди: 00997, СТИР: 202811527, ХХТУТ: 97300)га битта пакет учун 35 минг сўм, 2 та пакет учун 57 минг сўм ва ундан ортиқ пакет олишни истаса, ҳар бир тендер пакети учун 22 минг сўмдан ўтказиб, 2014 йил 22 мартгача буюртма беришлари лозим.

Иштирокчи тендерда қатнашишдан бош тортганда, у томонидан олинган тендер ҳужжатлари пакети учун тўланган ҳақ қайтариб берилмайди.

Иштирокчи тендер таклифлари шаклини тўлдиришда, ўз таклифларидаги баҳо мезонларига алоқаси бўлмаган маълумотларни қўшмасдан, фақат сўралаётган баҳо мезонлари бўйича тўлиқ ва мукаммал ахборот тақдим этишга мажбур.

Даъвогар тақдим этаётган тендер таклифлари у томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган бўлиши керак.

Йўналишларда йўловчилар транспорти хизмати кўрсатиш юзасидан тендер ғолиби билан контракт камида 1 йилга тузилади.

Контракт бўйича ишларнинг барча шартларига ташувчи томонидан риоя қилинган ҳолларда контрактнинг амал қилиш муддати узайтирилиши мумкин.



**Идоралараро комиссия тендер таклифларини 2014 йил 26 март куни соат 18.00 гача қабул қилади.**

**Тендер ўтказиш манзили:**
**Тошкент шаҳри, Зулфияхоним кўчаси, 3-уй, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги мажлислар зали.**

**Маълумот учун телефонлар: (8-371) 241-56-27, 241-18-10.**

302R/123


МИННАТДОРЛИК

*Эътибор ва рағбат ҳамиша катта мақсадларни амалга ошириш, янги марраларни эгаллашга йўл очади. Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани юртдошларимизни ташаббус кўрсатиб меҳнат қилишга ундаётгани ана шундан далолатдир.*

# Имкониятларимиз кенгайди

Масалан, мен тадбиркор сифатида иш бошлаганимга, ҳадемай, 10 йил тўлади. Илгари, асосан, чакана савдо билан шуғулланган бўлсак, эндиликда ички ва ташқи бозорга мўлжалланган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқараяпмиз. Гап шундаки, “Ипотека-банк”нинг Олмалиқ шаҳар филиалидан 100 миллион сўмлик имтиёзли кредит олиб, шунинг ҳисобидан цехимизга хорижий “Gemsy” фирмасининг тикув машиналари, гул босувчи ва кашта солувчи ускуналарини ўрнатдик. Айни пайтда корхонамизда 10 нафардан ортиқ хотин-қизлар болажонларга атаб турли-туман бежирим либослар тикишмоқда. Яқин орада аёллар ва эркаклар учун замонавий андозалардаги кийим-бошлар тайёрлашни режалаштириб турибмиз. Бунинг учун дизайн йўналишида таҳсил олган коллеж битирувчиларини ҳам ишга жалб этганмиз. Улар турли-туман эскизлар, янги қолип ва андозалар устида изланишмоқда.

Янги ташаббусимиз ҳам “Ипотека-банк” томонидан маъқуллангани жамоамизни руҳлантириб юборди. Демак, тайёрлаётган кийим-кечакларимиз тури ва ҳажми янада кўпайиб, қўшимча иш ўринлари яратилади. Пировардида эса маҳсулотларимизни “Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган” ёрлиғи остида хориж бозорларига чиқариш имкони туғилади.

**Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ,**
**Пискент туманидаги «Dinil Tabassum» хусусий корхонаси таъсисчиси.**


**Ҳурматли транспорт воситалари эгалари ва ҳайдовчилар!**

Ўзбекистон Республикасининг «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонунига кўра, суғурта қопламаси ва компенсация тўловини олиш бўйича барча мурожаатларни кўриб чиқиш Суғурта компанияси ва Тўловларни кафолатлаш жамғармаси томонидан бепул амалга оширилади.

Суғурта компаниясининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги ёки уни тўлаш ҳақидаги қарори сизга суғурта товони тўлаш тўғрисида ёзма мурожаатингиздан кейин ўн беш кундан кечиктирмай хабар қилиниши керак ва товон тўлаш рад этилганда, қарорда рад этишнинг асослантирилган сабаблари кўрсатилиши лозим.

Компенсация тўловларини амалга ошириш ёки мазкур тўловларни тўлашни асослантирилган тарзда рад этиш тўғрисидаги қарор Тўловларни кафолатлаш жамғармаси томонидан сиз илтимоснома билан мурожаат этган кундан эътиборан бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Сиз томонингиздан тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар рўйхати аниқ белгиланган ва бошқа қўшимча ҳужжатлар талаб қилиниши мумкин эмас.

Йўл-транспорт ҳодисасида етказилган зарарнинг мажбурий суғурта орқали қопланиши ва қонуний ҳақ-ҳуқуқларингиз юзасидан Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармасига мурожаат этишингиз мумкин.

**Ишонч телефони: (8-371) 239-42-72. www.tkj.uz**

**Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси.**

297A/153



**«Тошкент труба заводи» ҚК**

**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харидорларга тақдим этади.**

**Мисланган пайвандлаш сими**
СВ08Г2С, ГОСТ 2246-70,
∅ 0.8, 1.0, 1.2, 1.4, 1.6, 2.1, 2.5, 3.5, 4.0, 5.0,
баҳоси 1 тонна учун 5 500 000 сўмдан бошлаб.



**Тўқиладиган ва мих ишлаб чиқаришда қўлланиладиган сим,**
∅ 0.8, 1.0, 1.2, 1.4, 1.6, 2.1, 2.5, 3.5, 4.0, 5.0,
баҳоси 1 тонна учун 3 300 000 сўмдан бошлаб.



**Конструкцияда фойдаланиладиган профиллар, ўлчамлари:** 80х40х15, 100х40х15, 100х50х20, 120х60х20, 140х60х20, 160х70х20, 180х70х20, 200х70х20 ҳажмли, девор қалинлиги 2.0-4.0 мм., баҳоси 1 тонна учун 2 900 000 сўмдан бошлаб.

*(нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)* МАҲСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**

61R/956



**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**
**Андижон вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.***

**Аукцион савдосига Андижон шаҳар СИБ томонидан ЖИБ Андижон вилояти судининг 2013 йил 7 июндаги 2-33-13-сонли ижро варақасига асосан хатланган қуйидаги кўчмас мулклар такроран қўйилмоқда:**

**1.** Андижон шаҳри, Истиқлол кўчаси, 14-уйда жойлашган, «Анд-Наврўз» МЧЖга тегишли, умумий ер майдони 1774,79 кв.м., умумий қурилиш майдони 993,51 кв.м. умумий фойдаланиш майдони 2749,42 кв.м. бўлган бино-иншоотлар.

***Бошланғич баҳоси — 699 153 014 сўм.***

2. Андижон шаҳри, Амир Темур шоҳкўчаси, 10-уйда жойлашган, «Анд-Наврўз» МЧЖга тегишли, умумий ер майдони 5166,07 кв.м., умумий қурилиш майдони 2417,55 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 3365,07 кв.м. бўлган омборхона бино-иншоотлари.

***Бошланғич баҳоси — 649 555 031 сўм.***

Аукцион савдоси 2014 йил 13 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

*Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2014 йил 11 март куни соат 18.00.*

Кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Андижон вилояти филиалининг ОАТ «Савдогар» банки Андижон вилояти филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609005, МФО: 00081, СТИР: 207122519.

**Манзил: Андижон шаҳри, Алишер Навоий шоҳкўчаси, 30-уй, 105-хона.**
**Телефон: (8-374) 228-47-62. www.1kms.uz**

***Лицензия: RR-0001.***

311A/1453


Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Солиқ академияси жамоаси Ўқув ва илмий ишлар бўйича проректор Бозор Тухлиевга волидаи муҳтарамаси

**САЙҚАЛ аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

“O‘zbekiston” телерадиоканали жамоаси Маданий-маърифий, бадиий эшиттиришлар муҳарририяти катта муҳаррири Ҳулкар Ҳамроевага волидаи муҳтарамаси

**Сайёра ҲАЙИТОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Молия институти ректорати ва касаба уюшмаси Олий ва амалий математика кафедраси катта ўқитувчиси Жавлон Матназаровга волидаи муҳтарамаси

**ГУЛСАРА аянинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.



*Оммавий ахборот воситалари жамиятдаги ўзгаришлар, янгиланишлар ҳамда дунё воқеликларини холисона, адолат мезонлари асосида акс эттирувчи кўзгуга, кенг оммани янгича фикрлашга, маънавий уйғоқликка, онгу тафаккурини ўзгартиришга даъват этадиган қудратли кучга қиёсланади. Бу эса, ўз навбатида, соҳа ходимларидан юксак маҳорат ва иқтидор, изланиш, интилиш, ташаббускорлик ҳамда фидойиликни талаб этади. Эътиборлиси, ҳозир юртимизда ана шундай журналистлар сафи тобора кенгайиб бораяпти. Уларнинг самарали меҳнати давлатимиз томонидан муносиб рағбатлантирилиб борилаётир. Бунда 2006 йилдан буён Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан, бир қатор вазирлик, ташкилотлар ҳамкорлигида “Олтин қалам” Миллий мукофоти учун ўтказиб келинаётган анъанавий танловнинг муҳим аҳамияти ва ўрни бор.*

*Мухбиримиз ушбу мукофот учун 2014 йилда эълон қилинган танловнинг ўзига хос жиҳатлари хусусида Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси, “Олтин қалам” Миллий мукофоти ташкилий қўмитаси раиси Шерзод ҒУЛОМОВ билан суҳбатлашди.*

«ОЛТИН ҚАЛАМ — 2014»

# ИЖОД, МАҲОРАТ ВА РАҒБАТ

*— “Олтин қалам” танлови жорий йилда тўққизинчи бор эълон қилинди. Шу даврга қадар журналист ва ижодкорлар ўртасида у қай даражада оммалашди, деб ўйлайсиз?*

— Давлатимиз раҳбари ўтган йили матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табригида “Жамиятимизнинг бугунги ва эртанги куни бўладими, узоқ келажаги ва порлоқ уфқлари бўладими, бир сўз билан айтганда, Ўзбекистонни дунёдаги тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтаришдек юксак марраларни кўзлаган қонунларимиз, дастурларимиз бўладими — буларнинг барчасини амалга ошириш учун халқимизга очиқ ва равшан қилиб етказиш, эл-юртимизни сафарбарликка чорлаш, руҳини кўтариш йўлида матбуот ва ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти беқиёс десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан”, деб алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Зеро, бугун мамлакатимиздаги изчил ривожланиш суръатлари жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда эътироф этилаётганидан барчамиз хабардормиз. Иқтисодиёт тармоқларидаги модернизациялаш жараёнлари, таълим, тиббиёт, маданият ва спорт соҳалари, қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши, муқобил энергия манбаларини ривожлантириш борасидаги илғор тажрибаларимиз халқаро миқёсда ўрганилиб, кенг оммалаштирилаяпти. Қолаверса, халқимиз тарихи, турмуш тарзи, миллий қадрият ва урф-одатлари билан яқиндан танишиш мақсадида минглаб километр йўл босиб юртимизга келаётган сайёҳларни айтмайсизми?! Табиийки, бунда ўзбекистонлик ва хорижлик журналистларнинг ҳам хизмати ва ҳиссаси катта эканлигини таъкидлаш ўринлидир. Шу нуқтаи назардан, “Олтин қалам” Миллий мукофоти учун халқаро миқёсда танлов ўтказилишини мамлакатимизда қўлга киритилаётган салмоқли ютуқлар билан боғлаш, изоҳлаш мумкин. Бинобарин, унинг нуфузи йил сайин ошиб бораяпти. Масалан, “Олтин қалам” I Миллий мукофоти учун эълон қилинган дастлабки танловда 136 нафар журналист 1669 та ижодий иши билан қатнашган эди. Ўтган йили эса бу кўрсаткич қарийб тўрт баробар ошди. Яъни 6500 га яқин материаллари билан иштирок этган 410 нафар ижодкор орасидан ғолиб ва совриндорлар аниқланди. Умуман, шу вақтга қадар 3400 дан ортиқ журналистнинг 50 мингга яқин ижодий иши кўриб чиқилиб, 194 нафар маҳаллий ва хорижий ижодкор “Олтин қалам” Миллий мукофотига сазовор бўлди. Шунингдек, 48 нафар журналист мамлакатимизда фаолият олиб бораётган нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан таъсис этилган мукофотлар билан тақдирланди. Чунончи, улар орасида БАА, Эрон, Ҳиндистон, Озарбайжон, Латвия, Хитой каби ўнлаб давлатлар вакилларини кўришингиз мумкин.

*— Бу йил танловга қандай ўзгариш ва янгиликлар киритилди?*

— Маълумки, танлов тўртта — матбуот, телевидение, радио ва интернет журналистикаси йўналишлари бўйича ўтказиб келинади. Ҳар бир йўналиш бўйича биринчи, иккинчи ва учинчи даражадаги, жами 12 та ҳамда битта Бош миллий мукофот таъсис этилган. Бундан ташқари, янги номинациялар жорий қилинаётгани ҳам қувонарли ҳол. Бу, ўз навбатида, ижодкорларни кенгроқ рағбатлантириш имконини бераяпти. Хусусан, жорий йилда танловга Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши томонидан янги — “Соғлом бола йилига бағишланган энг яхши журналистик материал учун” ҳамда “Ижтимоий шериклик фаолиятини ёритган энг яхши журналистик материал учун”, Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан эса “Журналистика ривожига қўшган ҳиссаси” ҳамда “Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун” номинациялари киритилди. Қолаверса, анъанага мувофиқ, ушбу йилда ҳам БМТ, ЮНЕСКО, ЕХҲТ, Жаҳон банки, “Регионал диалог” (Словения) каби бир қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ҳам танловда ўз мукофотлари билан иштирок этади.

Бинобарин, жорий йилда танловнинг мукофот жамғармаси ўтган йилдагига нисбатан 31 миллион сўмга кўпайиши белгиланган. Ғолиблар ва совриндорларни мукофотлаш, шунингдек, ижодий кўрикни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмагида амалга оширилади.

*— Айни кунда танловга тайёргарлик борасида олиб борилаётган ишлар ҳақида ҳам маълумот бериб ўтсангиз...*

— Аввало, танлов шартларини матбуотда эълон қилдик. Телевидениеда ҳам махсус роликлар эфирга узатилаяпти. Жорий йилнинг 10 февраль куни “Олтин қалам” Миллий мукофоти ташкилий қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ижодий кўрикни ўтказиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди. Энди таниқли журналист ва экспертлардан иборат танлов ҳайъатини шакллантириш чоралари кўрилаяпти. Тақдим этилган ижодий ишларни саралаш ва баҳолашда давлатимиз раҳбарининг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан йўллаган байрам табрикларида соҳа вакиллари олдига қўйилган вазифалар, талаблар устувор мезон сифатида олинади. Яъни мазкур жараёнда долзарб мавзудаги, ўткир таҳлилий-танқидий материалларга алоҳида эътибор қаратилади. Зеро, танловдан кўзланган асосий мақсад миллий ва халқаро журналистика ютуқларини оммалаштириш, ОАВ ходимларининг фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш, уларда танқидий фикрлаш ҳамда ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантиришдан иборатдир.

Танлов ғолибларини тантанали тақдирлаш маросими анъанага мувофиқ, 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги куни арафасида, пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида ўтказилади. Муҳими, жорий йилда “Олтин қалам”нинг янада юксак поғонага кўтарилишига ишонамиз.

**Фаррух БЎТАЕВ суҳбатлашди.**

**Ли ЧУЙФА,**
**“Цзинцзи Жибао” газетасининг Тошкентдаги мухбирлик пункти мудири (Хитой Халқ Республикаси):**

*— “Олтин қалам” Миллий мукофотига сазовор бўлганим мен учун катта шараф. Бундан кейин ҳам бор куч-ғайратим, ижодий салоҳиятимни мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги дўстлик ҳамда ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш йўлида сарфлайман. Юртингизда фаолият олиб бориш давомида шунга амин бўлдимки, халқингиз жуда меҳмондўст ва самимий экан. Бу ерга келганимдан бери менга барча ёрдам қўлини чўзаяпти. Шу сабабли мамлакатингизда ўзимни ўз уйимда яшаётгандек ҳис қилаяпман. Ўзбекистон мен учун иккинчи Ватан бўлиб қолди.*

**КАЗИМОВ Гулу Надир ўғли,**
**Озарбайжон Республикаси Ахборот агентлигининг Ўзбекистондаги мухбири:**

*— Мен Озарбайжонда журналистика соҳасида бир неча бор тақдирланганман. Лекин “Олтин қалам” фаолиятим давомидаги энг оламшумул мукофот бўлиб қолади. Чунки бу халқаро танловдаги, халқаро миқёсдаги юксак эътироф, рағбатдир. Қолаверса, уни гўзал ва жаннатмонанд замин — Ўзбекистонда олдим. Бундан жуда бахтиёрман.*

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport

## Осиё чемпионатидаги ажойиб ғалаба

*Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида бўлиб ўтган бадиий гимнастика бўйича ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари гуруҳ ва шахсий мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, жорий йилнинг 16 — 28 август кунлари Хитойнинг Нанкин шаҳрида ташкил этиладиган II ўсмирлар Олимпиада ўйинларига бир йўла еттита йўлланмани қўлга киритишди.*

Қитъанинг етакчи терма жамоалари иштирокида ўтказилган мазкур беллашувларда ҳамюртларимиздан Комилабону Рустамова, Сабрина Рамазонова, Гўзал Раймонова, Ирина Салех, Карина Тоғаева ва Фарангиз Аҳмедова гуруҳ мусобақаларида, Анора Давлатова эса шахсий ҳисобда олтин медалларга сазовор бўлди.

Шу тариқа II ўсмирлар Олимпиада ўйинларига қўлга киритилган йўлланмалар сони 13 тага етди. Аммо ҳали олдинда спортнинг оғир атлетика, эркин ва юнон-рум кураши, спорт гимнастикаси, трамполин, бокс, енгил атлетика, таэквондо ВТФ, сузиш, ўқ отиш, қиличбозлик ҳамда триатлон турлари бўйича лицензия берувчи турнирлар бор. Уларда ҳам вакилларимиз юқори ўринлар учун кураш олиб боришади.

## Гран-придаги муваффақият

*Шу кунларда Бирлашган Араб Амирликларининг Дубай шаҳрида паралимпиячилар ўртасида давом этаётган енгил атлетика бўйича Гран-при турнирида ўзбекистонлик спортчилар юксак маҳорат ва истеъдод соҳиблари эканликларини намоён қилишмоқда.*

Бунга мусобақанинг эркаклар ўртасида 1500 метр масофага югуриш баҳсларида юртдошимиз Фахриддин Ҳамроев 4 дақиқаю 03,94 сония натижа билан нафақат олтин медални қўлга киритгани, балки Осиё рекордини янгилагани ҳам бир мисолдир.

Спортчиларимиздан Убайдулла Имомқулов 800 метрга югуриш баҳсларида ғолибликка эришган бўлса, узунликка сакраш беллашувларида Дониёр Солиев кумуш медаль соҳиби бўлди.

Гран-при турнирида мамлакатимиз шарафини жами саккиз нафар паралимпиячи ҳимоя қилмоқда.

*Мисрнинг Луксор ҳамда Бирлашган Араб Амирликларининг Фужайра шаҳарларида таэквондо ВТФ бўйича бўлиб ўтган халқаро турнирларда ўзбекистонлик спортчилар битта олтин, бешта кумуш ва учта бронза медалини қўлга киритишди.*

## Муносиб иштирок этишди

Мисрда ташкил этилган “Luxor Open — 2014” мусобақасида вакилларимиздан Умида Абдуллаева, Никита Рафалович ва Жасур Бойқўзиев ўз вазн тоифаларида кумуш, Максим Рафалович бронза медали билан тақдирланди.

БААда ўтказилган “Fujairah Open — 2014” халқаро турнирида эса терма жамоамиз аъзоси Жасур Бойқўзиев олтин медалга сазовор бўлди. Максим Рафалович ва Дмитрий Шокин иккинчи, Сарвар Шералиев ҳамда Никита Рафалович учинчи натижани қайд этди.

**Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.**

## Аниқ ташхис, тезкор муолажа

*Қоракўл тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли болалар ва туғуруқ бўлимлари ҳамда кўп тармоқли марказий поликлиниканинг янги бинолари қурилиб фойдаланишга топширилди. Бунинг учун 9,5 миллиард сўм сарфланди.*

САЛОМАТЛИК

Яратилган бу қулайликдан шифокорлар мамнун бўлишди. Беморлар кўнглига илиқлик югурди. Негаки, эндиликда аҳоли саломатлигини ишончли муҳофаза қилиш, даволаш-профилактика ишлари самарадорлигини яхшилаш борасидаги имкониятлар кенгайди. Беморларга аниқ ташхис қўйиш, тезкор муолажаларни амалга оширишга шароит яратилди. Бунда яқинда олиб келинган замонавий тиббий асбоб-ускуналар қўл келмоқда. Масалан, рақамли рентген аппарати тезкор ва аниқ ташхис қўяди. Бундан ташқари, инсон саломатлиги учун хавфсизлик даражаси юқорилиги билан ҳам ажралиб туради.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ТАДБИР

*Нарпай тумани ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия туман прокуратураси билан ҳамкорликда ёшлар учун очиқ мулоқот ташкил этди. Унга ҳудуддаги касб-ҳунар коллежлари ҳамда умумтаълим мактаблари ўқувчилари таклиф қилинди.*

## Ёшлар манфаатлари — устувор мақсад

Иштирокчиларга мамлакатимизда ёшларни иш билан таъминлашга қаратилаётган юксак эътибор, тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлганларга яратилган шарт-шароитлар, хусусан, кредит олиш бўйича жорий этилган қатор имтиёзлар ҳақида маълумотлар берилди.

Тадбир доирасида А. Мажидий номидаги Каттақўрғон шаҳар драма театри жамоаси томонидан Тоҳир Малик асари асосида саҳналаштирилган “Заҳарли томчилар” спектакли намойиш қилинди. Ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ҳамда гиёҳвандликнинг аянчли оқибатлари талқин этилган, ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга қаратилган мазкур асар йиғилганларда катта таассурот қолдирди.

**Мамадиёр ЗИЁДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

ТАНЛОВ

*Халқ таълими вазирлиги томонидан “Энг фаол болалар спорти тарғиботчиси” танлови эълон қилинди.*

## «Энг фаол болалар спорти тарғиботчиси»

Танловни ўтказишдан мақсад болалар ва ўсмирлар ўртасида спортга бўлган иштиёқни ошириш, уларда соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш, спортсевар ўғил-қизларни рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Танловда умумтаълим мактабларининг 5—9-синф ўқувчилари иштирок этади. Унинг шартларига кўра, қатнашчилар иншо, деворий газеталар, тақдимотлар, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган материаллар, фотосуратлар ҳамда интернет материаллари билан иштирок этишлари мумкин.

Ғолиблар келгуси йилда Хоразм вилоятида бўлиб ўтадиган “Умид ниҳоллари — 2015” спорт ўйинларида тақдирланади.

**Баҳриддин ШАЙВАЛИЕВ.**

● Реклама ва эълонлар ●

«ЎЗБЕКИНВЕСТ» ЭКСПОРТ-ИМПОРТ МИЛЛИЙ СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ — 20 ЁШДА

«ЎЗБЕКИНВЕСТ» компанияси

«МИНГИНЧИ МИЖОЗ» акцияси бошланганлигини эълон қилади.

«Мингинчи мижоз» акцияси «Ўзбекинвест» экспорт-импорт миллий суғурта компаниясининг 20 йиллик юбилейи муносабати билан уюштирилмоқда. Акция компаниянинг Суғурта маркази ҳамда ҳудудий филиалларида 2014 йил 1 февралдан 1 апрелгача бўлган давр ичида суғурта полисини сотиб олган жисмоний шахслардан иборат мижозлар ўртасида ташкил этилади.

Акцияда қуйидаги мукофотлар соврин сифатида ўйналади:

Биринчи мингинчи мижозга — LCD 42 дюймли плазма телевизори;

Биринчи беш юзинчи мижозга — Galaxy Note планшети;

Биринчи юзинчи мижозга — Galaxy S3 мобиль телефони.

Акция ғолибларига мукофотларни топшириш маросими 2014 йил апрель ойида, компаниянинг 20 йиллик юбилейи арафасида бўлиб ўтади.

«Мингинчи мижоз» акциясига қўшилинг!

Батафсил маълумотни (8-371) 235-94-27, 120-03-54 телефонлари ёки www.uzbekinvest.uz сайти орқали олиш мумкин.

189А/97

«Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси тақдим этади!

«МАРДИ МАЙДОН» жонли ижродаги қўшиқлар фестивали

Фестиваль йўналишлари: эстрада; анъанавий ижрочилик; академик вокал.

**Фестивалнинг асосий шарти:** қўшиқлар фақат жонли ижро этилади.

**Фестивалнинг асосий мезони:** қўшиқларнинг янгилиги, оригиналлиги, матннинг таъсирчан ва бадиий образларга бойлиги, ижодкорнинг овози, саҳна ҳаракати, нутқ маданияти ва ижро услубидир.

Фестивалда 17 ёшдан 30 ёшгача бўлган профессионал ҳамда ҳаваскор санъаткорлар иштирок этади.

Фестиваль лауреатлари 2014 йил сўнгида фестиваль якунига бағишлаб ўтказиладиган катта гала-концертда махсус диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланади.

Қўшимча маълумотларни «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг ҳудудий бўлинмаларидан ҳамда интернетдаги www.uzbeknavo.uz сайтидан олиш мумкин. Маълумот учун телефонлар: (8-371) 234-52-90, 235-52-80.

195R/17

HYUNDAI HEAVY INDUSTRIES CO.,LTD.

Экскаваторы колесные и гусеничные
Экскаваторы-погрузчики
Фронтальные погрузчики
Мини-погрузчики



ПОСТАВКИ ИЗ КОРЕИ

GST OIL ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР В УЗБЕКИСТАНЕ

Моб. (+998 98) 123-48-30.
Тел.: (+998 71) 269-29-62, (+998 71) 269-29-63.
Факс (+998 71) 269-29-60.

100050, Узбекистан, г. Ташкент, ул. Иссиксув, 118,
gsthyundai@gmail.com

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН 142R/35

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15, 236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 269. 140 318 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.25 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5